



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 27 » ноябрь

№ ПҚ–359

Ўзбекистонда молиявий технологиялар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистонда молиявий технологиялар бозорини жадал ривожлантириш, молиявий ва банк хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот технологиялари ечимларидан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадли кўрсаткичлар

1. 2026–2030 йилларда молиявий технологиялар соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- (а)** молиявий технологиялар соҳасидаги стартапларга **1 миллиард АҚШ доллари** миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилиш;
- (б)** молиявий технологиялар бозори иштирокчилар сонини камида **200 тага** етказиш;
- (в)** молиявий технологиялар соҳасидаги инкубация ва акселерация дастурларидан ўтган стартаплар сонини **100 тага** етказиш;
- (г)** молиявий технологиялар йўналишида камида **5 минг** нафар ёшларни ўқитиш;
- (д)** тўлов воситаси сифатида **рақамли валюталарни** ва миллий ёки хорижий валюта билан **таъминланган токенларни** (кейинги ўринларда – **барқарор токенлар**) тажриба-синовдан ўтказиш.

II. Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш ва лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

2. Марказий банк молиявий технологиялар соҳасини ривожлантиришга масъул этиб белгилансин ва унга **1-иловага** мувофиқ қўшимча вазифалар юклансин.

3. Марказий банк ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

(а) масъулияти чекланган жамият шаклида устав жамғармаси **50 миллион АҚШ доллари** эквивалентига тенг бўлган стартап лойиҳаларни молиялаштирадиган **венчур фонди**;

(б) молиявий технологиялар соҳасидаги стартаплар учун қуйидаги хизматларни амалга оширадиган юридик шахс мақомига эга бўлмаган **инновацион хаб** (кейинги ўринларда – инновацион хаб):

(i) инкубация ва акселерация дастурларини амалга ошириш ва ташқи бозорларга чиқишга кўмак кўрсатиш;

(ii) маҳаллий ва хорижий венчур инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш;

(iii) грант дастурларини амалга ошириш.

4. Белгилансинки:

(а) **2026 йил 1 январдан бошлаб** инновацион хаб иштирокчиларига қуйидаги **харажатлар қоплаб берилади**:

(i) молиявий технологиялар йўналишидаги курсларда ўқиш ва сертификат олиш билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизигача** бўлган қисми, бироқ **20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда**;

(ii) инкубация ва акселерация дастурларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий технологиялар соҳасидаги стартап лойиҳаларига менторлар ва тренерларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизигача** бўлган қисми, бироқ **50 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда**;

- (б) инновацион хаб иштирокчиларига доир мезон ва талаблар Марказий банк томонидан белгиланади;
- (в) **2026 йилдан бошлаб ҳар йили** Марказий банк томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда молиявий технологиялар соҳасида мавжуд инновацион ечимлар ва амалга оширилган ишларни кенг тарғиб қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир **молиявий технологиялар соҳасида халқаро форумлар** ташкил этилади.

5. Марказий банкнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

- (а) **2026 йил 1 сентябрга қадар** банклар, тўлов ташкилотлари ва молиявий технологиялар бозори иштирокчилари ўртасида хавфсиз ва стандартлашган маълумот алмашинувини таъминлайдиган **“очиқ банкинг” тизимини жорий этиш;**
- (б) **2025 йил якунига қадар** маълумотларга асосланган бошқарувга ўтиш мақсадида Марказий банк ва тижорат банкларида **маълумотларни бошқариш бўйича бош директор (Chief Data Officer) лавозимини жорий этиш.**

6. Марказий банк (Т.Ишметов):

- (а) **2026 йил 1 февралга қадар** мижознинг рухсати билан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни **учинчи шахсларга тақдим этиш** юзасидан қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;
- (б) **2026 йил 1 февралга қадар** Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизимида жисмоний шахсларга уларнинг **банк ҳисобварақлари орқали** реал вақт режимида тўғридан-тўғри **ўтказмаларни** амалга ошириш имкониятини яратсин;
- (в) **2026 йил 1 апрелга қадар** хорижий консультантларни жалб қилган ҳолда **2026–2030 йилларга мўлжалланган молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш миллий стратегиясини** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(г) 2026 йил якунига қадар тижорат банкларида **тартибга солиш технологиялари (RegTech)** асосида статистик, молиявий ва назоратга доир маълумотларни узатишнинг **ягона рақамли тизими** жорий этилишини таъминласин;

(д) 2026 йил 1 июлга қадар венчур фонди фаолиятининг операцион бошқаруви, венчур капитални бошқариш ва молиявий технологиялар соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган нуфузли чет эл компаниясини ишончли бошқарувчи сифатида жалб қилиш бўйича таклиф киритсин.

7. “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасига давлат хизматлари билан боғлиқ тўловларни ўтказиш учун **тўлов ташкилотларининг фаолиятини амалга ошириш** ҳуқуқи берилсин. Бунда унга фаолиятини **акциядорлик жамияти шаклида** ташкил этиш ва **устав капиталининг энг ками миқдорига** доир талаблар татбиқ этилмайди.

III. Молия соҳасида крипто-активлардан фойдаланишни кенгайтириш

8. 2026 йил 1 январдан бошлаб тўлов воситаси сифатида барқарор токенлар айланмасини тартибга солишнинг махсус ҳуқуқий режими (кейинги ўринларда – “тартибга солиш қумдони”) жорий этилсин. Бунда:

(а) маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияси асосида фаолият юритувчи тўлов тизимини яратиш бўйича пилот лойиҳалар амалга оширилади;

(б) “тартибга солиш қумдони” режимини жорий қилиш тартиби ва унинг амал қилиш муддати Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан Марказий банк билан биргаликда белгиланади.

9. 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан **токенлаштирилган акция ва облигацияларни эмиссия қилишга** рухсат берилсин;

(б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биржа фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензия олган фонд биржаларида **токенлаштирилган акция ва облигацияларни жойлаштириш ҳамда уларнинг муомалада бўлиши учун алоҳида савдо майдончаси** ташкил этилсин;

(в) Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги токенлаштирилган акция ва облигацияларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартибини белгилашга масъул этиб белгилансин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

10. Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича **республика комиссияси 2-иловага** мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга **3-иловага** мувофиқ асосий вазифалар юклансин.

11. **2025–2026 йилларда молиявий технологиялар соҳасини қўллаб-қувватлаш дастури 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3832-сон қарорига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Марказий банк манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Марказий банк раиси Т.А. Ишметов белгилансин.

15. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича
Марказий банкнинг қўшимча вазифалари**

- (а)** банк тизими, тўлов тизимларининг ишлаши ва нархлар барқарорлигини устувор мақсад сифатида сақлаган ҳолда инновацияларни қўллаб-қувватлашда мутаносибликни таъминлаш;
- (б)** молиявий секторда инновацияларнинг асосий драйвери сифатида ҳаракат қилиш ва бозор иштирокчилари учун самарали рақобат муҳитини таъминлаш;
- (в)** молиявий технологияларни жорий этиш ва ривожлантиришда тартибга солиш чораларини инновациялардан келиб чиқадиган хавфларни камайтиришга қаратилган ҳолда қўллаш;
- (г)** молиявий технологиялар соҳасида қарорларни тўлиқ ва ишончли маълумотлар асосида қабул қилиш;
- (д)** молиявий технологиялар соҳасида хизмат кўрсатиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш;
- (ж)** молиявий технологиялар соҳасидаги стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

**Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича
республика комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Т.А. Ишметов – Марказий банк раиси,
Республика комиссияси раиси
2. Ш.Х. Шерматов – рақамли технологиялар вазири,
Республика комиссияси раиси ўринбосари
3. В.Ю. Пак – Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг биринчи ўринбосари
4. М.Ш. Истамов – адлия вазирининг биринчи ўринбосари
5. И.У. Умрзаков – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари
6. Ж.И. Абдиев – Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
7. Р.Ш. Кадиров – Марказий банк департаменти директори,
Республика комиссияси котиби

Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

**Молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича
республика комиссиясининг асосий вазифалари**

- (а)** молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш бўйича стратегик йўналишларни белгилаш;
- (б)** соҳадаги муаммоларни мунтазам равишда муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;
- (в)** молиявий технологиялар соҳасида давлат органлари, молиявий ташкилотлар ва хусусий сектор фаолиятини мувофиқлаштириш;
- (г)** молиявий технологиялар соҳасида Марказий банкнинг “тартибга солиш қумдони”да муваффақиятли синовдан ўтган молиявий хизматларни кенг жорий этиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- (д)** молиявий технологиялар соҳасини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни, шу жумладан, тижорат банклари ва тўлов ташкилотларининг тарифларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни мақбуллаштириш бўйича тегишли чоралар кўриб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 ноябрдаги ПҚ–359-сон қарорига
4-илова

**2025–2026 йилларда молиявий технологиялар соҳасини қўллаб-қувватлаш
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	2026–2030 йилларга мўлжалланган молиявий технологиялар соҳасини ривожлантириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш.	1. Стратегияни ишлаб чиқиш учун хорижий консультантларни жалб қилиш. 2. Стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил декабрь 2026 йил март	Марказий банк (Ишметов)
2.	Банк мижозларининг рухсати билан уларнинг шахсий ва молиявий маълумотларини учинчи шахсларга тақдим этиш амалиётини жорий қилиш.	“Банк сири тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2026 йил январь	Марказий банк (Ишметов), Адлия вазирлиги (Ташкулов)
3.	Марказий банк фаолиятини рақамлаштиришга оид IT-стратегияни ишлаб чиқиш.	Етакчи халқаро консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда илғор хорижий тажриба асосида 2026–2030 йилларга мўлжалланган Марказий банк фаолиятини рақамлаштиришга оид IT-стратегия ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш.	2026 йил апрель	Марказий банк (Ишметов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4.	Марказий банкнинг “тартибга солиш қумдони” талабларини енгиллаштириш, стартаплар ва технологик компаниялар томонидан инновацион ечимларни жорий қилиш учун технологик ва тематик “қумдон”лар ташкил этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш бўйича тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2026 йил май	Марказий банк (Ишметов), Адлия вазирлиги (Ташкулов)
5.	Марказий банк таъсисчилигида венчур фондини ташкил этиш.	1. Венчур фондини давлат рўйхатидан ўтказиш. 2. Венчур фондини бошқаришга тажрибали хорижий компанияни жалб қилиш бўйича таклиф киритиш. 3. Венчур фонди устав жамғармасини Марказий банк соф фойдаси ҳисобидан 2030 йилга қадар босқичма-босқич 50 млн АҚШ доллари эквивалентигача шакллантириш.	2026 йил май 2026 йил июль 2026–2030 йилларда	Марказий банк (Ишметов)
6.	QR-кодлар орқали тўловларни амалга оширишнинг ягона стандартларини жорий қилиш.	1. Универсал QR-код пилот лойиҳасини банклар ва тўлов ташкилотлари билан бирга синов тариқасида жорий этиш. 2. Универсал QR-код бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2025 йил декабрь 2026 йил январь	Марказий банк (Ишметов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Тўлов хизматлари бозорида универсал QR-кодни амалиётга жорий этиш.	2026 йил февраль	
7.	Банклар, тўлов ташкилотлари ва молиявий технологиялар бозорининг бошқа иштирокчилари ўртасида хавфсиз ва стандартлашган маълумот алмашувини таъминлайдиган “Очиқ банкинг” (Open banking) тизимини жорий этиш.	1. “Очиқ банкинг” тизими концепцияси ва бошқарув моделини шакллантириш. 2. Норматив-техник база ҳамда тизим архитектурасини ишлаб чиқиш. 3. “Очиқ банкинг” тизимини жорий этиш “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, чекланган иштирокчилар билан пилот босқичини ўтказиш ҳамда синовдан кейин босқичма-босқич кенгайтириш.	2026 йил январь 2026 йил май 2026 йил август	Марказий банк (Ишметов)
8.	Марказий банк рақамли валютасини тўлов воситаси сифатида қўллаш бўйича тажриба-синовни ўтказиш учун “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.	Халқаро консалтинг компаниялари тавсияларини инобатга олган ҳолда Марказий банк рақамли валютасини жорий этиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил апрель	Марказий банк (Ишметов), Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (Лу), Солиқ қўмитаси (Пулатов)
9.	Тўлов воситаси сифатида барқарор токенлар айланмасини тартибга солишнинг махсус ҳуқуқий режимини жорий этиш.	1. “Тартибга солиш қумдони” режимини жорий қилиш тартибини қабул қилиш. 2. Режим иштирокчиларини танлаш. 3. Режим доирасида пилот лойиҳаларни амалга ошириш.	2026 йил февраль Режим жорий қилингандан сўнг	Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (Лу), Марказий банк (Ишметов),

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		4. Тўлов тизимининг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш.		тегишли вазирлик ва идоралар
10.	Токенлаштирилган акция ва облигацияларни чиқариш ва муомалада бўлишини йўлга қўйиш.	1. Токенлаштирилган акция ва облигацияларни чиқариш ва муомалада бўлиш тартибини қабул қилиш. 2. Токенлаштирилган акция ва облигацияларни эмиссия қилишда фойдаланиладиган ахборот тизимининг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш.	2026 йил февраль 2026 йил май	Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (Лу), Марказий банк (Ишметов)
11.	Марказий банкнинг тўлов тизимида жисмоний шахслар учун мобил рақамдан фойдаланган ҳолда уларнинг банк ҳисобварақларидан тўғридан-тўғри ўтказмалар хизматини жорий қилиш.	Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизимида жисмоний шахслар ўртасида “P2P” ўтказмаларини амалга ошириш имкониятини ишлаб чиқиш ва уни тўлов хизматларини кўрсатувчиларга Open API кўринишида тақдим этиш.	2026 йил февраль	Марказий банк (Ишметов)
12.	Чакана банк хизматлари ва тўлов хизматлари бозорида рақобатни рағбатлантириш мақсадида мажбурий мижозлар аудиториясидан воз кечган ҳолда фойдаланувчиларга банк картасини очишда танлов имкониятини яратиш.	1. Фуқароларга ўз маошини оладиган банкни ёки электрон ҳамён провайдерини танлаш ҳуқуқини беришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. 2. Марказий банк томонидан бошқариладиган тўлов тизимларида оммавий (тўпламли) тўловлар функциясини яратиш.	2025 йил декабрь 2026 йил июнь	Марказий банк (Ишметов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
13.	Тўловлар хавфсизлиги ва барқарорлигини ошириш мақсадида барча миллий валютадаги тўловларнинг Марказий банк орқали ўтишини назарда тутувчи тўлов “свитчи” учун тизим яратиш.	1. Тўлов “свитчи”ни жорий қилган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда лойиҳанинг техник топшириғини ишлаб чиқиш. 2. Халқаро ва маҳаллий тўлов тизимлари операторлари (электрон пуллар операторлари)нинг бевосита Марказий банкнинг ягона шлюзи орқали ишлашини белгилаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил январь 2026 йил март	Марказий банк (Ишметов)
14.	Марказий банкнинг булут тизими концепциясини ишлаб чиқиш.	Халқаро тажрибани ўрганиш ва халқаро консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда Марказий банкнинг булут тизими концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил сентябрь	Марказий банк (Ишметов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)
15.	Банк тизимида киберхавфсизлик ва ахборот хавфсизлиги ҳамда антифрод тизимини такомиллаштириш.	1. Халқаро консалтинг компанияси билан биргаликда Марказий банк назорати остидаги ташкилотлар ахборотлаштириш объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик аудитидан ўтказиш тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш. 2. Банк тизимида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил июнь 2026 йил август	Марказий банк (Ишметов) Марказий банк (Ишметов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
16.	Аҳоли томонидан кредит ва тўлов ташкилотларига шахсга доир ва/ёки молиявий маълумотларни қайта ишлашга берилган розилик ҳисобини юритиш ва зарур ҳолларда уни миждоз томонидан бекор қилиш механизмини ишлаб чиқиш.	1. Илғор хорижий тажрибалар асосида техник талаб ишлаб чиқиш. 2. Платформани яратиш чораларини кўриш. 3. Платформани Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан интеграция қилиш.	2026 йил январь 2026 йил сентябрь 2026 йил якунига қадар	Марказий банк (Ишметов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)
17.	Молиявий технологиялар соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш.	1. Нуфузли хорижий таълим муассасалари билан бирга молиявий технологиялар соҳаси бўйича ўқув дастурини жорий қилиш ва дастурда қатнашиш тартибини белгилаш. 2. Молиявий технологиялар ўқув дастури бўйича 5 минг нафар ёшларни ўқитишни ташкил этиш.	2026 йил май 2026–2030 йиллар давомида	Марказий банк (Ишметов)
18.	Ўзбекистон Республикасида молиявий технологиялар соҳасида форумларни ташкил этиш.	Молиявий технологиялар соҳасидаги инновацион ечимлар ва амалга оширилган ишларни кенг тарғиб қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда 2026 йилдан бошлаб ҳар йили “FinTech” ҳафталигини ташкил этиш.	2026 йил октябрь	Марказий банк (Ишметов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Шерматов)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
19.	Марказий банк ва тижорат банкларида маълумотларга асосланган бошқарувга ўтиш мақсадида маълумотларни бошқариш бўйича бош директор (Chief Data Officer) лавозимини жорий этиш.	1. Марказий банк томонидан маълумотларни бошқариш бўйича бош директор (Chief Data Officer) учун малака талабларини ва устувор вазифаларни белгилаш. 2. Тижорат банкларида лавозимга малакали кадрларни тайинлаш.	2025 йил декабрь 2026 йил июль	Марказий банк (Ишметов) Марказий банк (Ишметов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Норқулов), тижорат банклари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 ноябрдаги ПҚ–359-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги
“Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар
айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ–3832-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банд “и” кичик бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“крипто-активлар айланмаси соҳасидаги рекламага қўйиладиган, шу жумладан, крипто-активлардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятнинг самарадорлиги (даромади) ҳақида ваъдалар бериш, крипто-активлар билан битимларни тузиш бойишнинг енгил ўсули эканлиги ҳақидаги маълумотларни тарқатиш тақиқланганлиги ҳамда крипто-активлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов ёки тўловни қабул қилиш воситаси (қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно) сифатида қўлланилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабларга риоя қилиш”.

2. 4-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Крипто-дўкон ўз фаолиятини фақат электрон платформа орқали амалга ошириш жараёнида мижозларининг маблағларини транзакция амалга оширилган ва маълумотларнинг тақсимланган реестрида тегишли ёзув пайдо бўлган пайтдан бошлаб Агентлик томонидан белгиланган муддатда сақлаш ҳуқуқига эга”.

3. 6-банд “в” кичик банди “қўлланилиши” сўзидан кейин “, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин.

